

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШ МАЗМУНИ

Мухамматова Озода Музраповна

СамДУ ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7184439>

Аннотация. Ушбу мақолада мактаб ўқувчиларини билим, кўникума ва малакаларни шакллантиришида педагогик технологиялардан фойдаланишининг аҳамияти мазмунан ёритиб берилган.

Калим сўзлар: компетенция, педагогик технология, таълим жараёни, мактаб ўқувчилари.

СОДЕРЖАНИЕ ФОРМИРОВАНИЯ КОМПЕТЕНЦИЙ ШКОЛЬНЫХ СТУДЕНТОВ НА ОСНОВЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ

Аннотация. В данной статье подчеркивается важность использования педагогических технологий в формировании знаний, умений и навыков школьников.

Ключевые слова: компетентность, педагогическая технология, учебный процесс, школьники.

CONTENT OF FORMATION OF SCHOOL STUDENTS COMPETENCIES ON THE BASIS OF PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES

Abstract. This article highlights the importance of the use of pedagogical technologies in the formation of knowledge, skills and abilities of schoolchildren.

Keywords: competence, pedagogical technology, educational process, school students.

КИРИШ

Мамлакатимиз тараққиётини оширишнинг муҳим омилларидан бири умумий ўрта таълим мактабларида сифатли таълимни ташкил этиш, дарсларда замонавий педагогик технологияларни қўллаш орқали ўқувчиларда билим, кўникума ва малакаларни шакллантиришдан иборат.

Президент Ш.М.Мирзиёевнинг “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг 4-йўналиши “Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” деб номланган бўлиб, унда таълим ва фан соҳасини ривожлантиришга эътибор қаратилган: узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш; умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содик, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш; ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-куvvatлаш ва рўёбга чиқариш, бугунги кунда олдимиизда турган енг муҳим вазифалардан саналади.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Республикамизда баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларни ҳар томонлама ривожланган шахс этиб вояга етказиш, шакллантириш дастлаб оиласда, сўнгра таълим жараёнида амалга оширилади.

Ўқувчининг компетенцияларини шаклланиши, шахс сифатида шаклланиши ўз фикри, ўз сўзи ўзининг мустақил нуқтаи-назари бўлиши талаб этилади. Бунга эса дастлабки асос мактабда ўқитувчи томонидан кўйилади.

Болаларни билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга, эркин мустақил фикрлашга, бир-бирини хурмат қилишга йўллайдиган, умуман инсонни ақлий ва маънавий жиҳатдан тарбиялашда мактабда ўтилаётган дарсларнинг бу борадаги аҳамияти жуда муҳимдир. Шу маънода мактабда дарсларни ташкил этишда педагогик технологиялардан фойдаланиш орқали болаларнинг компетенцияларини шакллантиришга, интеллектуал ва шахсий имкониятларини ҳисобга олишга, уларнинг фаоллигини оширишга қаратилган бўлиши лозим.

Шу ўринда “компетенция” сўзига таъриф бериб ўтамиш.

“Компетенция” сўзи фанда илк бор XX асрнинг 50-60-йилларида қўлланган ва инсоннинг бирор фаолиятни амалга ошириш лаёқатини билдирган. N.Chomsky, J.Raven, A.Зимняя, F.Delamare ва J.Winterton, H.Meyer ва A.Klapper, A.Хуторской ва бошқалар томонидан “компетенция” ва “компетентлилик” тушунчаларига берилган таърифларда компетенция муайян фаолиятда талаб қилинадиган хулқ-атвор, ўзини тутиш, компетентлилик эса ушбу талабга мослик даражаси, яъни компетенцияни намойиш қилишнинг пировард натижаси деб талқин қилинади. Уларни умумлаштирган ҳолда, бугунги кунда таълим жараёнида фаол қўлланаётган ушбу тушунчаларни шарҳлашда қуйидаги хulosага келдик: “Компетенция” билим, кўникма ва малакаларнинг самарали қўлланиши; “компетентлилик” эса муайян фаолиятни амалга ошириш учун мавжуд ҳамда юзага чиқиши мумкин бўлган лаёқатdir. Таълимга компетент ёндашув ўқувчиларда ҳосил бўлган компетенциялардан шахсий ва ижтимоий ҳаётда учрайдиган турли вазиятларда самарали фойдаланишга ўргатишни кўзда тутади. Бунда кутилмаган ноаниқ, янги, муаммоли вазиятларга дуч келингандан тегишли билим, кўникма, малакалардан фойдалана олишга алоҳида эътибор қаратилади. Шу боис ҳар бир фанни ўқитиш жараёнида унинг мазмуни ҳамда хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда унга доир компетенциялар шакллантирилади [3, 12 6]. Компетенцияларни шакллантиришда мактабда ўкув дарсларида педагогик технологиялардан фойдаланиш самарали натижаларни беради.

Илгор педагогик технологиялар мактаб дарсларида ўкув жараёнининг унумдорлигини оширади, ўқувчиларни ақлий дунёкарашини шакллантиради, билимга иштиёқ ҳамда қизиқишини оширади.

Хуллас, педагогик технология асосланган педагогик фаолият бу бошланғич таълим вазифаларини амалга оширишдаги маҳорат ва санъат тушунилиб, у қулай, оптимал усуллар асосида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини, фанга оид компетенцияларини ривожлантиришга қаратилади

Ҳозирги кунда таълим муассасаларида педагогик технологияларни таълим-тарбия жараёнида қўллашга бўлган эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бундай бўлишининг сабабларидан бири шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчиларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатиб келингандигидир.

Замонавий педагогик технологиялар эса ўқувчиларни эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишга, мустақил ўрганиб, таҳлил қилиш, ҳатто хulosаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришга ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда

бошқарувчилик, йўналтирувчилик вазифасини бажаради. Таълим жараёнида ўқувчи асосий фигурага айланади. Шунинг учун таълим муассасаларида ўқувчиларнинг билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлашда pedagogik технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Педагогик технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерактив методлардан тўлиқ фойдаланилади. [2, 8 б.]

Педагогик технологиялар асосида ўқитишида мактаб ўқитувчиси ўқувчиларда компетенцияни шакллантиришда икки ҳолатга эътибор бериши шарт:

1. Мактаб ўқувчисида ўз кучи ва имкониятига ишониш ҳиссини уйғота олиш.
2. Мактаб ўқувчисига ўз вақтида зарурӣ ёрдамни бера олиш.

Педагогик технологиялар асосида ўқитиши таълимнинг қуйидаги замонавий масалаларини ҳар томонлама ечиш имкониятини яратади: фаолиятлилик асосида ўқитиши мазмунини оптималлаш ва тизимлаш, дастурларнинг ўзгарувчанлиги ва мослашувчанлигини таъминлаш; ўқитиши индивидуаллаштириш; амалий фаолиятга ўргатиш ва кузатиладиган характерларни баҳолаш даражасида ўқитиши самарадорлигини назорат қилиш; дарсга қизиктириш асосида фаоллаштириш, мустақиллик, ўқитиши имкониятлари ва компетенцияларни тўла рўёбга чиқариш [4, 160 б].

Педагогик технологиялар асосида ўқитиши самарадорлиги қуйидаги омилларга боғлиқ: таълим муассасасининг моддий-техник базаси; малакали ўқитувчилар таркиби даражаси; ўқувчиларнинг тайёргарлиги ва улардаги компетенциялар даражаси; кутиладиган натижалар баҳоси; дидактик материалларнинг ишлаб чиқилиши; модуллар натижаси ва таҳлили.

Педагогик технологиялар асосида ўқитиши технологиясига асосланган дарсда ўқувчилар ҳам мустақил фикрлаш ва амалий фаолият орқали фаол иштирок этадилар. Шунингдек, икки томонлама мулоқот, таҳлил қилиш орқали уларда маълумотни эслаб қолиш, билим ва кўнималарни намойиш этиш, мазмунни тушуниш ва ҳаётга боғлаш, энг муҳими барча компетенциялар шаклланади.

Ўқитиши жараёнида қўйилган мақсад бўйича кафолатланган натижага эришишда қўлланиладиган ҳар бир таълим технологияси ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил эта олса, уларнинг ҳар иккаласи ҳам ижобий натижага эриша олса, ўқув жараёнида ўқувчилар мустақил фикрлай олсалар, ижодий ишлай олсалар, излансалар, таҳлил эта олсалар, ўзлари хulosha чиқара олсалар, ўзларига, гурухга, гурух эса уларга баҳо бера олса, ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит яратади олсагина самара бериши мумкин.

Ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорликда мақсаддан натижага эришиш учун қандай технологияни танлашлари уларнинг ихтиёрида, чунки ҳар иккала томоннинг асосий мақсади аниқ: натижага эришишга қаратилган.

Бунда ўқувчиларнинг билим савияси, гурух характери, шароитга қараб ишлатиладиган технология танланади. Буларнинг қай бирини танлаш ўқитувчи ва ўқувчига боғлиқ. Шу билан бир қаторда ўқитиши жараёнини олдиндан лойиҳалаштириб олиш зарур. Бу жараёнда ўқитувчи ўқув предметининг ўзига хос томонини, жой ва шароитни, ўқитишининг техник воситаларини, энг асосийси, ўқувчининг имконияти ва

эхтиёжини ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил эта олишни ҳисобга олсагина, керакли кафолатланган натижага эришиш мумкин.

Бошланғич таълим ўз мазмун-моҳиятига қўра, болаларнинг онги ва тафаккурида мавжуд бўлган яширин имкониятларни аниқлаш ва ривожлантириш; кичик мактаб ёшидаги болаларда таълимнинг дастлабки давридан бошлаб янги имкониятларни шакллантириш, қайсики, бундай янги имкониятлар ўқув материалини муваффақиятли ўзлаштиришгагина эмас, балки ҳаётий муаммоларни ечишга ҳам тайёрлаш; ўқувчиларда ўрганишга ҳамда таълим жараёнига нисбатан жонли қизиқишини шакллантириш, уларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва ҳ.к. каби устувор вазифаларни амалга оширишни назарда тутади.

Ҳозирда таълим-тарбия сифати ва мазмунини оширишда замонавий педагогик технологиялардан, ахборот-коммуникация воситаларидан самарали фойдаланилмоқда. Булардан мақсад машғулотларда ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш, дарсларнинг мазмундорлигини таъминлаш ва ўзлаштириш даражасини юксалтириш, албатта.

МУХОКАМА

Замонавий педагогик технологиялар мажмуасидан жой олган ноанъанавий усул ҳамда воситалар: ўқувчиларнинг бошланғич таълим дастуридан жой олган мавзуларни ўзлаштиришга нисбатан қизиқишиларини оширади; ўқитувчи томонидан дарс жараённида ўқувчилар жамоасини тўлақонли қамраб олиш, уларни машғулотларга фаол жалб қилиш, билимларини баҳолаш имконини яратади; ўқувчиларни машғулот мавзусига оид бой маълумот ва ахборотлар билан таъминлашга эришилади; дарснинг кўргазмалилиги таъминланиб, ушбу жихат янги мавзуни мустахкамлашда ўзига хос қулайлик яратади.

Замонавий педагогик усул ва воситаларнинг янги-янги турларини яратиш, уларни дарс жараёнларига татбиқ қилиш ўқитувчи ва мураббийлардан улкан педагогик маҳоратни, айни пайтда чуқур ижодкорликни талаб қиласди.

Ўқитувчи ўз ижодкорлиги билан ҳар бир мавзуда ўқувчиларга кутилмаган таассуротларни тухфа этиши, уларни, чинакам маънода, фанлар оламига олиб кира олиши зарур. Масалан, педагогик усуллар қаторида “Интеллектуал беллашув”, “Фоявий мунозара”, “Таҳлил ва тавсиф”, “Ёйиш ва жамлаш” ва шу каби усулларни дарс жараёнларига киритиш кутилган самараларни беради [4, 25 б].

Мазкур усул ва воситалар ҳозирги қуннинг муҳим талаби – замонавий ахборот технологиялари асосига қурилгандагина юқори педагогик натижаларни беради. Негаки, бугунги қунда уяли алоқа телефонидан фойдаланиш ўқувчи учун оддий қоидадек бўлиб қолган. Ёки компьютерга уланиш, дастурга кириш, унда баъзи амалларни бажариш мактаб ўқувчиси учун деярли янгилик эмас. Тобора эскириб, ўрнини янги русум ва лойиҳалар эгаллаб бораётган ахборот-коммуникация воситалари, ўз вақтида, улардан унумли ва ўринли фойдаланишни тақозо этмоқда.

Шундан келиб чиқсан ҳолда, машғулот замонавий педагогик усул ва методлар асосида замонавий ахборот технологиялари воситасида ташкил қилинар экан, ўқувчилар фанлар бўйича билим-малакаларни ўзлаштириш билан бир қаторда ахборот-коммуникация воситаларидан унумли фойдаланиш малакаларини босқичма-босқич ўзлаштириб борадилар.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўқитиши жараёнида ўқувчиларга шахс сифатида қаралиши, турли pedagogik технологиялар ҳамда замонавий методларнинг қўлланилиши уларни мустақил изланишга, эркин фикрлашга, ҳар бир масалага ижодий ёндашишга йўналтиради, энг асосийси, уларнинг ўқишига, фанга бўлган қизиқишларини кучайтиради. Бундай натижага эришиш амалиётда ўқув жараёнида pedagogik технологияларни қўллашни тақозо этади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда.
2. Ишмуҳамедов Р.Ж. Pedagogik технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. –Т.: ТДПУ, 2004.
3. Нарзиева Н.Н Умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг тадқиқотчилик кўникумаларини таянч компетенциялар асосида машғулотлар жараёнида шакллантириш. Педагогика фан номзоди илмий даражасини олиш учун Афтореферат. Тошкент, 2019 й, 246.
4. Сафарова Р. Г умумий таҳрири остида. Узлуксиз таълим тизимида модулли ўқитиши технологияларини қўллаш истиқболлари: муаммо ва ечимлар. Мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари: – Тошкент, 2018. – 105 b.